

КИТОБХОНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ



Умида Төшабова,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
директор
уринбосари

» **У**збекистон Миллий кутубхонаси – мамлакатимиздаги тарихий-маданий муассасалардан бири бўлиб, Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий мероси, шунингдек дунёнинг 75 тилидаги ҳужжатлар фонди, қўлёзма манбалар ва ноёб китоблари, тасвирий, картографик ва нота-муסיқий нашрларни сақлаган ҳолда, авлоддан-авлодга етказиб келмоқда.

Кутубхонада 145 йиллик тарихий-маданий анъаналар ва кутубхоначилик муҳити шакланган бўлиб, унда доимий равишда ахборотнинг айланиши, кутубхоначи ва китобхоннинг ўзаро ҳуқук ва мажбуриятлари, муомала-муносабат қоидалари ва меъёрлари амалда қўлланилиб келинмоқда.

Миллий кутубхона универсал фондларининг қамраб олиш кенглиги ва хронологик чуқурлиги тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш, китобхонларни турли ахборот талабларини қондириш учун шароитлар яратади.

Миллий кутубхонанинг алоҳида нуфузи – бой адабиёт фонди, каталог ва картотекалардан ташкил топган маълумот-қидирув аппарати, табақалашган ва юқори малакали кутубхона-библиографик хизмат кўрсатиши, кутубхона биносининг янгилиги, умуман олганда, фойдаланувчилар учун барча шароитлар яратилганлиги билан ажралиб туради.

Кутубхонанинг бошқа тоифадаги (талабалар, ўқувчилар, ишчи-хизматчилар, нафақахўрлар ва б.) фойдаланувчилари учун аҳамияти шундаки, кутубхона бошқа кутубхоналар, шунингдек, таълим муассасалари тизимидаги ахборот-ресурс марказларида топилавермайдиган зарур материалларни тақдим этувчи муҳим муассаса эканлигидадир.

Узоқ йиллар давомида Миллий кутубхонанинг мавқеи фақатгина ундаги мавжуд коллекцияларнинг ноёблиги ва қиймати билангина эмас, балки уларни тақдим этиш шартлари билан ҳам белгиланган. Чунки қўлёзма материаллар ҳамда нодир ва ноёб нашрлар, диссертациялардан фойдаланишнинг қатъий тартиби ва чекланганлиги мавжуд эди.

Жамиятнинг демократлашуви, шунингдек, «ракамлаштирилган инкилоб» Миллий кутубхонанинг одатий фаолиятига ўзгартиришлар киритиб, аста-секинлик билан интеллектуал машғулотлар учун «элита муассасалигидан» ахборий, таълимий ва маданий-маърифий умумфойдаланиш (этик-ҳуқуқий маънода) марказига айлантирди.

Миллий кутубхона янги биносининг ишга тушиши ва кутубхона жараёнларини автоматлаштириш китобхонлар аудиторияси трансформацияси ва «кутубхона-китобхон» тизимида муносабатлар, турли тоифадаги фойдаланувчилар барча майдонларда локал ва масофавий хизматлардан фойдаланишнинг бир хил имкониятини таъминлаш асосида тизилганини намоён этди.

Бугунги кун фойдаланувчиси хизмат



кўрсатишга анча юқори талаблар қўймоқда, чунончи, кутубхонадаги ташрифи вақтини қисқартиришга, янги техника воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, ёш фойдаланувчи (25 ёшгача бўлганлар) мактабда аввалгиларга нисбатан бошқа таълим олган, бошқача фикрлайди, компьютер техникасини яхши қўллай билади, шароит шинамлигини талаб этади ва, энг муҳими, вақтини кадрлайди, чунки уларнинг кўпчилиги ўқув юртларида таълим олади, турли ўқув курсларида қўшимча билим эгаллайди, айримлари эса, ишлайди.

Ҳозирги замон кутубхоналар фойдаланувчисининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, бу – уларда жонли мулоқотга киришиш кўникмаларининг суствлиги, аксар ҳолларда йўқлигидир. Миллий кутубхона буларни эътиборга олиб, кутубхона ва ундаги ресурслар ҳақида маълумот берувчи Инфокиоскларни ўрнатган. Шунингдек, 2013 йилдан эътиборан турли йўналишларда айнан жонли мулоқот қилиш, фикр алмашиш, у ёки бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини бемалол билдириш, омма олдига ўзини тутишга қаратилган клублар фаолият кўрсатмоқда. Бу «Иқтидорли ёшлар» клуби, «Инглиз тили сўзлашув» клуби, «Корейс тилида сўзлашув» клуби фаолиятида намойён бўлаётир.

Комплектлаш, сақлаш ва фойдаланиш жараёнларида электрон шаклдаги ахборот ресурслар ҳажмининг ортиши, ахборот-кутубхона хизматларини тақдим қилишдаги технологик ва ташкилий ўзгаришлар китобхонлар аудиторияси ва кутубхонани ўзаро мослашув учун асос бўлди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхонлари таркибиде янги – «Электрон ресурслардан фойдаланувчи» тоифаси фаоллашиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Бундай тоифадаги китобхонларнинг пайдо бўлиши хизмат кўрсатиш жараёнидаги ислохотлар фойдаланувчи ахборот талабларига жавоб берувчи ресурслар базаси ва зарур инфраструктурани яратишга туртки бўлди. Бу эса, кутубхона мутахассислари доимий равишда ривожланиб бораётган ахборот бозорини ўрганиб боришини, фойдаланувчи феъл-атвори ва тақдим этилаётган хизматлар сифатини баҳолашни талаб этади.

Миллий кутубхона мутахассислари ва кутубхоначилик хизматларига қўйилаётган замонавий талабларни амалга ошириш учун хизмат кўрсатишнинг янги моделини, яъни кутубхоначи ва китобхон муносабатлари ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқли характерга эга бўлган



хизматни тақдим қилмоқда. Хорижий кутубхоналар амалиётида бундай модель хизмат кўрсатишнинг «горизонтал модели» деб аталади ва 2000 йилдан бошлаб қўлланилиб келинмоқда. Глобал тармоқ ёрдамида катта ҳажмдаги ахборотдан фойдаланишда кутубхоначининг роли ўзгариб борапти. У китобни сақловчи ходимдан ахборотдан фойдаланишни таъминлаб берувчи воситачига айланмоқда.

Кутубхоналарнинг ижтимоий функциялари эса, аввалгидек қолмоқда – фойдаланувчи ишончини оқлаш, унинг ахборот талабларини қондириш, ахборотни қаерда жойлашганидан қатъий назар, унга фойдаланиш учун тақдим этиш, шу билан бирга, кутубхоначилик хизматлари тобора мустақил фойдаланишга айланмоқда, чунки фойдаланувчи ўзи компьютерда ишлаб, қидирув стратегиясини ўйламоқда, ўз талабини аниқлаштириб, турли даражадаги дастурий менюлардан фойдаланган ҳолда, хаёлида қидирув кўрсатмаларини «тузмоқда», қидирувнинг турли белгилари (библиографик элементлар, калит сўзлар, индекслар) бўйича амалга оширмоқда, ахборот тизими тақдим этаётган маълумотлар ёки ҳужжатларга бўлган талабини идентификация қилмоқда, олган маълумотларини гуруҳлаштирмоқда. Бундай ўз-ўзига хизмат кўрсатишни очиқ фондлардан фойдаланишда ҳам кузатиш мумкин, бунда ҳужжатни расмийлаштириш ва фойдаланувчига тақдим этишда кутубхоначи иштироки талаб этилади, холос.

Бугунги фойдаланувчи «Исталган ахборот, исталган жойда ва исталган вақтда» шио-▶

Миллий кутубхонанинг фойдаланувчилари сони 2010 йилда 14,8 мингни ташкил қилган бўлса, 2015 йил бошига келиб, бу кўрсаткич 96,6 мингга етди

Кутубхонага
ташриф
буюрувчилар сони
2015 йил бошига
келиб 613,5 мингга
ташкил қилди

рига амал қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, кутубхона веб-сайтлари орқали виртуал киришни йўлга қўйган. Китобхон ўз компьютеридан кутубхонага «ташриф буюриши» ва кўплаб хизматлардан масофавий режимда фойдаланиши мумкин. Бундай ташрифлар, худди анъанавий жисмоний ташрифлар сингари, «виртуал ташрифлар» деб аталади. Албатта, бундай хизмат кўрсатиш натижасида фойдаланувчиларнинг кутубхонага жисмоний ташрифлари йилдан-йилга камайиб кетиши ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари сонининг қисқаришига олиб келиши ҳам мумкин. Лекин кутубхоналар фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш, замонавий хизматларни жорий этиш ишлар ҳажмининг қисқартириши дегани эмас. Кутубхоналарда ахборот ресурслари ядросини қамраб олувчи ва уларни ёритиб берувчи ишлар характери ўзгаради, янги маҳсулот турлари (электрон каталоглар, электрон маълумотлар базаси, виртуал хизматлар, электрон кутубхона) пайдо бўлади.

Масофадан фойдаланувчилар маълум даражада «аноним» ва «номаълум» шахс ҳисобланиб, зарур ахборотни мустақил қидиради ва шунга мувофиқ улар сўровларини бажаришда хизмат кўрсатишнинг бошқа шакллари ва кутубхона томонидан ўзгача муносабатларни талаб қилмоқдалар. Шунингдек, кутубхонада китоб бериш жараёнининг автоматлаштирилиши китобхон учун «Буюртма-онлайн» хизматидан фойдаланиш имконини берди. Китобхон электрон каталогда зарур бўлган ресурсларни излаб топиб, унга буюртма бериши ва кутубхона ўқув залларида ўзига қулай вақтда ташриф буюриши ва ундан фой-

даланиши, буюртма берган китобларини бажариш учун кетадиган вақтини тежаш мумкин. Энг муҳими, бундай фойдаланувчилар учун уларнинг сўровлари тезликда бажарилиши, ахборотнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги катта аҳамиятга эгадир.


Қоидага кўра, электрон ресурслар (компакт-дисклардаги нашрлар, лицензион келишувлар ёки очиқ фойдаланишдаги ресурслар) оқимига кириш структураси улардан фойдаланишнинг куйидаги шартлар асосида аниқланади:

- масофадан фойдаланиш Миллий кутубхона китобхон-фойдаланувчилари учун ахборот ташувчилардаги электрон нашрлар, шахсий яратилган ресурсларнинг баъзилари билан ишлашни назарда тутати;

- масофадан очиқ кириш – кутубхона китобхонларини барча очиқ ресурслардан фойдаланиши, шунингдек, масофадан фойдаланувчилар учун кутубхонанинг бепул ресурслари ёки Интернет ресурсларидан ҳаволалар бўйича фойдаланиш;

- масофадан чегараланган кириш – кутубхонанинг аниқ IP-манзилли компьютерлари ёрдамида масофавий ахборот ресурсларидан фойдаланиш.

Миллий кутубхона республикадаги йирик ахборот-кутубхона муассасалари ичида энг кўп хорижий илмий-таълимий электрон базаларга обунани амалга ошириб келмоқда. Ушбу базалардаги ахборотларнинг ҳажми миллионлаб нусхани ташкил этиши, дунё миқёсида фаннинг барча соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, илмий ишлар ва ихтироларни акс эттирувчи энг янги



нашрлар билан тезкор равишда танишиш имконини берувчи манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси глобал тармоқда <http://www.natlib.uz> расмий сайти орқали тақдим этилган бўлиб, унда кутубхона ҳақида тўлиқ маълумотни – кутубхона хизматлари ва фаолият йўналишлари, янгиликлар, ташкил қилинадиган тадбирлар анонси каби ахборотлар билан танишиш имконини беради. Сайтдаги ахборотлар локал ва масофадан фойдаланувчилар учун, шунингдек, ахборот-кутубхона муассасаларида фаолият олиб бораётган ҳамкасблар учун мўлжалланган. Миллий кутубхона сайтининг мазмуний-маърузвий тўлдирилиши илмий, таълимий ва маърифий мақсадларга мувофиқлиги жиҳатидан янгиликлар борилади, янги саҳифалар очилади, электрон ҳужжатлар базаси тўлдирилади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасини замонавий шароитда ривожланишининг асосий мақсади, бу – фойдаланувчилар талабини қондириш, ахборотга, билимга ва маданиятга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ресурслар базасини кенгайтириш, тарихий-маданий анъаналарга таянган ҳолда, дунё миқёсида очик фойдаланишни таъминлаш. Асосий мақсадга эришиш учун ахборот-коммуникацион технологияларни такомиллаштириш асосида барча тоифадаги фойдаланувчиларни ахборот-кутубхона ресурсларидан очик фойдаланишларини таъминлаш, миллий ва жаҳон электрон маконида изчиллик билан интеграцияни амалга ошириш, Ўзбекистон китоб маданиятини Миллий кутубхона фондлари асосида ёритиш (босма нашрлар, ҳужжатлар асосида), Миллий кутубхона миллий ижтимоий-маданий коммуникациялар маркази ва интеллектуал суҳбатлар ўтказиш жойи сифатида ривожлантиришни кўзда тутати. Шу билан бир қаторда, фойдаланувчилар томонидан қўйилаётган талаблардан, шунингдек, бугунги кун ахборот маконида Миллий кутубхо-



на хизматларини такомиллаштириш мақсадида куйидаги йўналишларда олиб борилаётган:

- доимий равишда кутубхона электрон каталогини тўлдириб бориш ва қидирув имкониятларини такомиллаштириш;
- кутубхона фондлари ва коллекцияларини рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириб, шу орқали электрон кутубхона ҳамми кенгайтириш;
- электрон ресурслардан ўзаро фойдаланиш ва уларни бирлаштириш, электрон кутубхоналарни ташкил қилиш бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этиш;
- кутубхона веб-сайтида виртуал хизмат турларини қўлайитириш;
- кутубхона ўқиш залларидаги ресурсларни жойлашуви бўйича кутубхона электрон каталоги билан интеграциялашган махсус дастур (навигатор) яратиш;
- Интернет тезлигини ошириш ишларини жадаллаштириши лозим, деб ўйлаймиз.

2015 йил бошига қадар кутубхона фойдаланувчиларига 4,8 млн.дан ортиқ китоблар фойдаланиш учун берилди

Умида Тешабаева, заместитель директора Национальной библиотеки Узбекистана

Национальная библиотека Узбекистана – социокультурный центр, основной задачей которого является создание благоприятных условий и обширной информационно-ресурсной базы для всестороннего удовлетворения интеллектуальных, познавательных, образовательных, духовно-нравственных и культурных потребностей населения, особенно молодежи.

Данная статья рассматривает о деятельности Национальной библиотеки Узбекистана и новшествах, связанных с внедрением информационных технологий во все процессы информационно-библиотечной практики. Также статья информирует о совершенствовании форм и методов информационно-библиотечного обслуживания и формирования новой концепции диалога с пользователями библиотеки. ■